

2020

## INTERETHNIC HARMONY AS A FACTOR IN COMBATING IDEOLOGICAL THREATS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Mohira Toshbekova

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN, mohira.toshbekova@bk.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Islamic Studies Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Toshbekova, Mohira (2020) "INTERETHNIC HARMONY AS A FACTOR IN COMBATING IDEOLOGICAL THREATS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Mohira TOSHBEKOVA,  
Doctoral degree National University of Uzbekistan  
mohiratoshbekova@mail.ru.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ГЛОБАЛЛАШУВ  
ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ  
ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШУВЧИ ОМИЛ

МЕЖЭТНИЧЕСКОЕ СОГЛАСИЕ  
КАК ФАКТОР ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ  
ИДЕОЛОГИЧЕСКИМ УРОЗАМ В  
УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

INTERETHNIC HARMONY AS A FACTOR  
IN COMBATING IDEOLOGICAL THREATS  
IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

**Калит сўзлар:** дин, диний бағрикенглик, глобаллашув, глобаллашув даври, мафкуравий таҳдидлар, маънавий ҳуружлар, мафкуравий полигон, таълим-тарбия, компьютер, интернет, “оммавий маданият”, терроризм, экстремизм, таҳдидларни олдини олиш, қарши курашувчи омил, интеграция, миллат,

**Ключовый слова:** религия, межэтническое согласие, глобализация, глобальный период, догматическая угроза, идеологическая угроза, «массовая культура», терроризм, экстремизм, предотвращение угроз, фактор противодействия, интеграция, нация

**Key words:** religion, interethnic harmony, globalization, threat, dogmatic threat, public culture, terrorism, extremism, to prevent a threat, factor in combating, integration, nation,

Кишилик жамияти тарихида глобаллашув жараёнлари доимо янгича фалсафий дунёқараш ва маънавийта қарши қаратилган таҳдидлар негизида ривожланган. Мана шундай фаолиятда турли миллат ва элатларнинг ҳам тараққиёт даражасига салбий таъсир этишга кўплаб интилишлар бўлган. XX асрнинг 90 йилларида ҳам Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элатларни бир-бирларига қарши қўйишга интилган кучларнинг айрим ҳаракатларига тарих гувоҳ бўлган.

Бемалол айтиш мумкинки, жаҳоннинг турли нуқталарида алангаланиб турган бундай низолар аксарият ҳолларда миллатлараро муносабатларда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, республикамиз миллий сиёсатининг асосий тамойиллари ҳаётда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, динлараро бағрикенглик соҳасидаги ама-

XXI асрга келиб, жаҳон динларидан бири исломга қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Афсуски бу қизиқиш орқасида исломни ниқоб қилиб ўзининг сиёсий, жирканч мақсадларидан фойдаланишга уринаётганлар ҳам борки, улар нафақат тинчлик ва барқарорликка, балки исломнинг софлигига ҳам қатта таҳдид солиб турибди. Экстремистларнинг ёвуз мақсадлари, бузғунчи ғоялари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга чақиради. Бугунги кунда инсон маълум кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг доимий таъсирини сезиб яшайди. Дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнлари, турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар бизни ҳамиша огоҳ бўлишга ундамоқда Ана шундай шиддатли бир давирда мамлакатда ижтимоий-диний муҳитни соғломлаштириш, аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Мамлакатда истиқомат қилиб турган 130 дан ортиқ миллат ва элатнинг ҳар бири ўзига хос маданиятга ва кўп асрлик анъаналарга эга. Ўзбекистон Республикаси ўтказаетган миллий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши барча миллатларнинг равнақи учун тинч шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бу соҳада кейинги йиллардаги энг қатта ютуғимиз умумий уйғунлашувдаги тинчлик ва барқарорлик, диний бағрикенглик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Ушбу мақолада мамлакатимизда мафкуравий таҳдидларга қарши курашувчи омилларни шаклланиши ва амалга ошириш жараёнлари ҳамда жаҳон тажрибаси муҳокама қилинган. Шунингдек, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликнинг шаклланиш ва ривожланиш унда мамлакатимиз аҳолиси турли табақаларининг иштироки, уларнинг ўрни, ютуқ ва муаммолари ҳақида маълумот бериш билан биргаликда тақлифлар ҳам киритилган.

С наступлением XXI века, интерес к одной из мировых религий мира – исламу проявляется все больше и больше. К сожалению, за этим интересом стоят те, кто под маской ислама, используя его в своих политических грязных целях, представляют угрозу не только миру и стабильности, но и подлинности ислама. Нечестивые цели, разрушительные пути экстремистов призывают нас быть более бдительными. На сегодняшний момент человек живет постоянно чувствуя влияние идеологий, служащих определенным силам. Происходящие в мире процессы глобализации, различные информационные атаки и идеологические угрозы призывают нас быть бдительнее.

В такое быстротечное время оздоровление социально-религиозной среды в стране, изучение и исследование наследия предков является одной из актуальных тем. Проживающие в стране представители более 130 национальностей и народностей имеют свою многовековую культуру и традиции. Одно из приоритетных направлений национальной политики – это создание условий и возможностей для процветания наций, укрепления межнациональных отношений. Самое большое наше достижение в этой области – это мир и стабильность в нашем общем доме, религиозная терпимость, межнациональное и гражданское согласие. В этой статье обсуждены вопросы формирования факторов, направленных на борьбу с идеологическими угрозами, процессы претворения их в жизнь и мировой опыт. А также информация об участии различных слоев населения в формировании и развитии религиозной терпимости, межнационального согласия, их роли, достижениях, и проблемах и предложения.

Peoples interest to islam has been resing constantly now. Unfortunately there are a few who have been trying to was trolly islami a view as their vilorent political aims. They threat not oney our piece and independence, but also purity of Islam religion. Wicked purpose and destroying ideas of exstremistic groups always make us be careful and warned. Nowadays people are living with the fear of being murder terrorism. Global changes, different information technology attack and ideological theats encourage us to keep awareness in this threatening world. Leading helthy social-religions atmosphere, larning heritage at the past and agitating of national rules are considered to be one of the most actual issues in our society. More than 130 nationalities living in our country have their own culture and long aged traditions. To most initiatwes of national politics are to great peasful envizonment for all nations and to keep warm relationships among the nations. Our greatest achievement in recent years is our piece and stability, religions tolerance, friendship aming nations. In this articl, we discues formation of factors against ideological thearets, prosess of practice and world experience. Mareover, we not only inform the problems abaut religions tolerance, friendship of nations, its development and the role of our population in this process but also we after the solutions.

лиёт ҳақида гап кетар экан, истиқлол юртимиздаги турли миллат ва элат вакилларига ўзининг тарихий ватанлари билан алоқалар ўрнатишга имкон берганини қайд этиш лозим. Ўрнатилган алоқалар она тилини ўқитиш ва ўрганишни йўлга қўйиш, турли қўлланмалар ва адабиётларни ўз вақтида олиш, ёшларни таълим олиш учун ривожланган мамлакатлар, баъзан эса уларнинг тарихий ватанига юбориш имкониятларини ярат-

ди. Шунингдек, кенг қамровли маданий-маърифий дастурларни амалга ошириш учун шароит юзага келди.

Республикада истиқомат қилиб турган 130 дан ортиқ миллат ва элатнинг ҳар бири ўзига хос маданиятга ва кўп асрлик анъаналарга эга. Ўзбекистон Республикаси ўтказаетган миллий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши барча миллатларнинг равнақи учун тинч шароит ва им-

коният яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бу соҳада кейинги йиллардаги энг катта ютуғимиз умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, диний бағрикенглик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир.

«Динлараро бағрикенглик ғояси – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англатади». (*Маънавият. Изоҳли лугат 2017*). Дин қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида муҷассам этиб келади. Миллий ва диний қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам уларни бир-бирлари билан яқин муштарак мақсадларга эғалигидадир. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Ҳозирги заминда бу ғоя эзгулик йўлида, нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни мустақамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Масалан, азал-азалдан диёримизда турли диний таълимотлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар давомида йирик шаҳарла-римизда масжид, черков, хонақоҳларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик ғоясига амал қилиб яшаб келганларидан далолат беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Мусулмонлар идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган 2056 дан ортиқ масжид, 10 та мадраса ва Тошкент Исломи институтини фаолият кўрсатиб турибди. Мустақиллик йилларида 110 мингдан ортиқ мусулмонлар ҳаж ва 80 мингдан ортиқ умра сафарини амалга оширдилар. Шунингдек, 16 турдаги 170 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар 157 та христианлик, 8 яҳудий, 6 бахаи, 1 кришнаитлар жамоаси ва 1 та буддавийлик ибодатхонаси рамий фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. (*Интернет www.uz.uz.*). Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжихат бўлиб, улуг

ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

Динларнинг умуминсоний моҳияти, мақсади бир бўлиб, улар аслида бир-бирларига зид эмас. Диний бағрикенгликнинг моҳияти шундан келиб чиқади. Жамият тарихидан турли динга мансуб кишиларнинг ёнма-ён яшаб келганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам ислом, ҳам насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган, диний амаллар эркин ижро этиб келинган. Ўша даврларда ҳам зиёлилар, олимлар бир-биридан ўрганганлар, устоз-шогирд бўлишган. Уларнинг турли динларга мансублиги бундай муносабатларга ҳалал бермаган.

Айтиш мумкинки, диний онг ривожланиб, диннинг моҳиятини чуқурроқ англаш билан диний бағрикенглик ҳам ривожлана борди. Бу ҳозирги даврда диний бағрикенгликни янада кучайтирмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги турли конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ, ҳамдўстлик ва ҳамкорлик асосида амалга оширмоқда. Диний бағрикенглик турли динларнинг, турли динларга мансуб кишиларнинг ҳамдўстлик муносабатларини назарда тутмайди, балки эътиқодидан қатъий назар барча кишиларнинг тенглиги, умумий эзгу мақсад йўлида ҳамкорликни ҳам қамраб олади. Диний қарашга кўра ҳам, маданий, жумладан, илмий қарашга кўра ҳам инсон энг олий мавжудотдир. У ўзига берилган умри давомида яшашга, маънавий ақлий жиҳатдан такомиллашиб, ердаги ҳаёт шароитларини яхшилаш учун курашишга, ижод қилишга ҳақли. Маънавий камолотга эришиш учун инсон яшаши, яхши шароитларга эга бўлиши керак. Демак, ердаги ҳаётни сақлаб қолиш, ривожлантириш барча кишиларгагага умумий мақсадларидир. Динийлик дунёвийликни инкор қилмайди, у билан баъзан ёнма-ён яшаса, айрим вазиятларда ўзаро яқинлашади, дунёвийликнинг ривожига хизмат қилади. Дунёвийлик, яъни шу моддий ҳаётни ривожлантиришга йўналганлик динийликнинг ҳам мақсадлари билан мос тушади. Динийлик дунёвийликка хизмат қилиши мумкин, деганда, дунёқарашнинг эзгулик, яхшилик, ҳалоллик, тинчлик, дўстлик каби юксак инсоний фазилатларни тарбиялашни назарда тутамиз. Ҳақиқатан ҳам диний таълимотлар, у дунё ҳаётини тасвирлаш воситасида бу дунёда юксак фазилатларга эга бўлишга ундайди.

Диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустақамланиши, ривожланиши барча кишиларни эътиқодидан қатъий назар миллий ғоя ва мафқурани амалга ошириш йўлида бирлаштиради. У мафқурани миллий ғоя ва кишиар онги ҳамда қалбига жойлашишига ёрдам беради.

Аксинча, диний бағрикенгликни тор маънода тушуниш, бир томонлама талқин қилиш умумий мақсадлардан чалғитиб, кишиларни ўзаро гуруҳларга бўлиб юбориши мумкин. Шунингдек, айрим гуруҳларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилувчи диний ниқобни юзага келтиради.. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Айнан фанатизмга йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлкинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар». (И.А.Каримов. 2000. – 46 б).

Ўзбекистонда янги демократик, фуқаролик жамияти асосларини яратишга киришилган ҳозирги ўтиш даврида диний бағрикенглик қанчалик муҳим бўлса, диний бағрикенглик учун миллий мафкура ҳам шунчалик муҳимдир. Миллий мафкуранинг юксак ғоялари, ўз навбатида, диннинг ҳақиқий моҳиятини жамият тараккиётидаги ўрнини англаб олишга ёрдам беради. Диний бағрикенглик ғоясини тўғри тушунишга ёрдам бериб, барча кишиларни эътиқоддан қатъий назар бирлаштиради. Миллий истиқлол мафкураси кишилар онги ва қалбига сингганда диний мутаассибликка, айирмачиликка ҳеч қандай ўрин қолмайди.

Республикаимиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки, Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат маънавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шаклланган ҳамжихатлик, бағрикенглик, қардошлик туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ўртасида андоза сифатида қўллаш мумкин бўлган янги нисбатнинг шаклланиши натижасида динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табаррук заманининг азалдан умумжаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлгани барчага аён.

Бутун Ўзбекистон диний бағрикенглик (толерантлик) ва динлараро муроса борасида фақат МДХ давлатларига эмас, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда Москва ва Бутунрус Патриархи Алексей II, АҚШ сенатори Хиллари Клинтон хоним, АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олб-райт ва Йордания қироллиги шаҳзодаси Хасан бен Талол юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтганлар. Албатта, халқи-

мизга азалдан хос бўлган бу хислат ўзининг узок тарихига эга.

Тарихимизнинг ҳар қайси даврида дин доимо одамларда яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Юксак умуминсоний қадриятларга асосланган. Бугунги кунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирларига нисбатан ҳамжихатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан биридир.

Сўнгги йилларда бутун дунё, шу жумладан, минтақамизда кучайиб бораётган диний ақидапарастлик ва жангарилик исломнинг асл моҳияти бўлган бағрикенгликка зид бўлган ҳаракатларга сабаб бўлмоқда. Бу ҳаракат ва ғаразли оқимларнинг номлари ва шиорлари турлича бўлишига қарамай, мақсадлари бир – диндан ниқоб сифатида фойдаланиб, давлат сиёсатига аралашиб, ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, **“Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!”** деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир. (Мирзиёев. Ш.М.2020/<https://kun.uz>).

Ҳозирги замонда миллий ва диний бағрикенглик дунёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашни, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигини назарда тутати. Шу тамойилга асосланган Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида “Ислом Абдуганиевич бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажиги учун бағишлади. Ислом ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида - миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур

инкирозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олдилар. Ватанамиз тарихида янги давр бошланган кун - 1991 йил 31 августда Ислоҳ Абдуганиевич Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилдилар ва чорак аср давомида давлатимизни изчиллик ва собитқадамлик билан бошқардилар” (Мирзиёев Ш.М. 2018. 232-бет.) деб ўша даврдаги тарихни хотирлайдилар. Ваҳоланки, оқилона олиб борилган сиёсат натижасида жамиятда фуқаролик урушининг келиб чиқишини олди олинганини билишимиз мумкин.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши эса миллийлигимизни англаш, бой маънавий қадриятларимизни қайтадан тиклаш жараёнида аждодларимиз томонидан тарихий ривожланишда бизгача етиб келган кўпгина урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва жамиятдаги миллатлараро тотулик ва динлараро бағрикенгликка нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Юртимизда диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш, диний урф-одат ва қарашларга бўлган эътибор тубдан янги қиёфа касб этиб, фуқаролар шуурига ижобий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам жамиятнинг ривожланишида диний бағрикенглик маънавий-ахлоқий тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этиб келган. Бугунги кунда юртимизда турли миллат ва элат вакиллари бевоқифа диний бағрикенглик, ҳамжиҳатликка асосланиб, кўп асрлик бой тарихий тажриба негизида яшамокдалар. Ўзбекистон ҳудудида барча миллат ва элатлар тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида ўзбек халқи, – деган тушунча негизида бирлашиб, яшаб келмоқдалар.

Диний бағрикенглик жамият ва давлатлар ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий ва мафкуравий муносабатларда намоён бўлади. Жамият аъзолари маънавиятли, маданиятли, инсонпарвар бўлса, шу юртда яшаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг манавияти ҳамда маданияти ҳам яхши таассуротларга бой бўлади. Шу боисдан ҳам фуқаролар маънавияти диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни белгилаб беради. Фуқароларда диний бағрикенгликка эътиборни кучайтириш, миллий ғоя тамойиллари негизида меҳр-оқибат, диёнат, ор-номус, адолат, орият ва ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний туйғуларни шакллантиришимиз лозим. Жамиятда диний бағрикенгликнинг ривожланиши халқ маънавияти, маданияти, маърифати юксалишига муносиб ҳисса қўшадиган куч бўлиб, биз бугунги давлатчилигимизни мустаҳкамлашда энг аввало, миллий, диний ва умуминсоний қадриятни эъзозлашни унутмаслигимиз лозим. Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм,

гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. (Мирзиёев.Ш.М.2020 / <https://kun.uz>).

Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлашда маънавий таҳдидларга қарши курашиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ҳар бир фуқарода инсонийлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик сингари умуминсоний диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни шакллантиришга эътибор қаратиш;

иккинчидан, ҳар бир миллат вакиллари билан бир-бирларини ҳурмат қилиши, бадиий адабиёт ва санъатга қизиқишларини кучайтириш, сабр-тоқатли қилиб тарбиялаш;

учинчидан, жамиятда миллий ғоя асосида барча миллатларнинг жипслигини таъминлаш, моддий ва маънавий ҳаётларини фаровон қилиш масалаларини кучайтириш;

тўртинчидан, барча миллат ва элатларнинг тарихини ақс эттирувчи санъат асарларини яратиш ва халққа етказиб бериш.

Жамиятда диний бағрикенглик бор жойда ҳамиша ички ва ташқи зиддиятлар олди олинади, давлат ва оилада тотувлик бўлса, инсоннинг маънавий вужудида тан-сиҳатлик ва хотиржамлик ҳукм суради, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қолаверса, дўстлиги ва биродарлиги тобора мустаҳкамланиб боради.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда. Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеликка мана шундай қараш, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қоидасига айлана кетган” (И.Каримов 2008. 10-бет.). Давлатимиз томонидан диний бағрикенглик борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўларок, юртимизда маънавий таҳдидларга қарши сиёсатда ҳам таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўздатутадиган мафкуравий,

ғоявий ва инфор­ма­цион хуружларни назарда тутиш лозим...” (И.Каримов 2008. 10-бет.).

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. (Мирзиёев Ш.М. 2017 505 бет). Жамият ва инсониятга жиддий хавф солаётган хуружлар ва таҳдидларга қарши курашишнинг ҳуқуқий негизини яратиш давлат сиёсати даражасидаги масалага ай­ланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада шундай дейилади: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳур­мат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”. (Мирзиёев Ш.М. 2019 /<https://kun.uz>).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қайд этиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди ва Юртбошимиз мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида илгари сурган эди. (Мирзиёев Ш.М. 2019 /<https://kun.uz>).

Таъкидлаш жоизки, глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши айниқса, унинг миллий урф-одат, анъана, қадрият ва ахлоқнинг ўзгаришига қаратилган таъсирига қарши курашмоқ, керак бўлса унга қалқон бўла оладиган омилни шакллантириш бугун ҳар бир миллатнинг миллий тарбияси олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланмоғи лозим. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди”, (Мирзиёев Ш.М. 2018.) – деб айтган сўзлари ёшларни диний экстремизм ва терроризм балосидан оғоҳлантиришимиз, уларни бундай ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари ва бундай балони олдини олиш учун қандай тизимли ижтимоий профилактик амалий

ишларни амалга ошириш кераклигини давлат ва жамоат ташкилотлари олди­га бир қатор аниқ вазифалар қилиб белгилаб бердилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160-сонли Қарорида (Ўз.Рес. Қонуни 2017) келтирилганидек, дунёда юз бераётган мураккаб гиосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бериш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа ташқи таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш; жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий қилиш айниқса муҳим.

Шундай экан, бундай вазиятда биз фуқароларимизга, айниқса ёшларимизга турли йўллар билан кириб келаётган миллий манфаатларимизга, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига ҳамда ҳаёт тарзимизга зид бўлган мафкуравий таҳдидлар, маънавий иллатлар моҳиятини очиб бериш ва унинг салбий оқибатларидан оғоҳлантиришимиз керак. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепсиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1059 Қарори (Ўз.Рес. Қонуни 2019) шиддатли ва таҳликали дав­рда ёшлар тафаккурида маънавий етуклик, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларини ривожлантиришга хизмат қилиши муқаррар.

Одамларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантиришда диний ва дунёвий омилларни инобатга олиш миллий тараққиётнинг гарови ҳисобланган маънавий муҳитнинг барқарорлашувига хизмат қилиш билан бирга ёшларда барқарор мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларини жонлантиришга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2017 йил 8-9 июн кунлари Остонада бўлиб ўтган Саммитида сўзга чиқиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарларини ўсиб келаётган ёш авлод

турли бузгунчи ғоялар ва радикал гуруҳларга қўшилиб кетиши олдини олишнинг аниқ чораларини қўллашга чақирди. “Асосий эътиборни”, деди Президентимиз, “Маърифатга, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига қаратиш, уларда билим ва ўз устида ишлашга интилишни шакллантириш муҳим, деб ҳисоблаймиз”, (*Мирзиёев Ш.М. 2018. Шанхай*) деган фикрларни илгари сурди.

Мазкур масалани долзарблигини яна қуйидаги омиллар билан белгилаш мумкин. Жумладан: Ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида «мафкуравий кураш» тобора авж олиб бораётган бир даврда ёшларда айниқса ўсмирларда «мафкуравий иммунитет»ни шакллантириш, диний бағрикенгликни ривожлантириш йўллари долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда маънавий таҳдидлар глобал микёс касб этиб, дунёнинг жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган турли хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўллари аниқлаш устувор вазифага айланди. Ҳозирги давр мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, жамият маънавий барқарорлигига салбий таъсир этадиган мафкуравий хуружларнинг юзага келаётгани билан характерланади.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасида инсон қалби ва онгига таъсир ўтказувчи, турли хилвоситалар билан кураш олиб борувчи мафкуравий полигонлар фаолияти тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида жаҳонда ғоят мураккаб таҳликали жараён кечмоқда.

Булар дунёнинг сиёсий, мафкураий манзарасидаги ўзгаришлар, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши ва бу тараққиётга ғов бўладиган демократик ривожланишни издан чиқарадиган, жамият барқарорлигига раҳна соладиган ғоявий-мафкуравий тўсиқларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққаю ягонадир. Ўзбекистон аталмиш юртнинг ягоналиги унинг бетакрор табиати, бой тарихи, заҳматкаш инсонлари билан бир қаторда бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзанларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай ахиллик, дўстлик, диний бағрикенглик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига ва асосига ҳам эга. Бу асослар мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, унинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси,

ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир» (*Конституция 2017. 6 бет*) — деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Эътибор берилса, мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор муҳим аҳамиятга эга бир қатор тамойиллар белгилаб қўйилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъий назар қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган;

Иккинчидан, фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги таъкидланган. Диний қадриятлар миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қонуннинг амалий аҳамияти ойдинлашади.

Учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Ирқчиликдан ғайриинсоний мафкура ва амалиётнинг тарихимизда умуман кузатилмаганини алоҳида қайд этиш лозим. Аммо айрим минтақаларда тажовузкор миллатчилик ғоялари билан қуролланган айрим гуруҳлар диний ақидапарастлик ва ирқчилик қарашларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганини ҳам унутмаслик зарур. Демак, муайян ҳолларда улар омухталашган шаклда ҳам чиқиши мумкин. Ахборот глобаллашуви кузатилаётган бугунги кунда турли ғоялар ҳеч қандай чегараларни тан олмай кириб келишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу тамойилнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Тарихий тажриба кўп миллатли давлатнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларга, диний бағрикенглик тамойилларига дахлдор ҳуқуқ ва эркинликларни тўғри белгилаб қўйиш билан бир қаторда амалиётда унга қанчалик риоя қилишга ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

Зеро, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек. “Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттираемиз. Бу борада 30 июль – “Халқаро дўстлик куни” муносабати билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги”ни ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этаман. Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.” дея таъкидлаган пурмаъно сўзлари кўп миллатли халқи-



мизнинг инсонпарварлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғоялари негизида муштарак яшашишни ифодалайди. (*Интернет www.uz.uz.*)

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий бағрикенглик — турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини қадрлаш орқали амалга ошадиган ўзига хос маънавий кенгликни (бағрикенгликни) англатади. Миллий бағрикенглик бунга зид бўлган, миллий манфаатга зиён етказиш ҳисобига таъминланмайди. У турли миллат манфаатларини уйғун кўриш ва таъминлаш асосида мустаҳкамданиб боради. Диний бағрикенглик ҳам динлараро ҳамда ҳар бир диннинг ичидаги турли хил йўналишлар ва мазҳабларнинг эзгу ғояларини қадрлаш, бир-бирларини ҳурмат қилиш асосида амалга ошади. Бу миллий ғоя амал қиладиган устувор ғоялар сифатида миллий бағрикенглик ва динлараро бағрикенгликка асосланиш турли халқлар ва миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувликни таъминлаш орқали эркин ва фаровон ҳаёт қуришга, инсонларнинг туб ҳаётий мақсадлари билан муштаракдир. (Ш.М.Мирзиёев 2019. 394 ,бет).

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатлами, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишдек кўринишларда содир бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, айрим ҳудудларда содир бўлаётган нотинчлик, кўшни давлатларда ҳукм сураётган беқарорлик бугунги кунда мамлакатимиздаги барқарор тараққиётга эришиш, осойишта ва фаровон ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмаётганини англашга ҳамда соғлом авлодни вояга етказишда тинчликни қадрлаш учун шукроналик ҳиссини уйғотишга ундайди. Бунда ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиш, ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараб, Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлиб яшаш, ёшларимизнинг онгу қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ажодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, тинчлик учун келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни маъна-

вий таҳдидлардан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшашимиз лозим.

Шуни таъкидлашни жоиз деб билдик, ҳар қандай тараққиёт ва тамаддунлар турли халқлар маънавияти, маданияти, эришган ютуқлари ва интилишлари уйғунлашувидан туғилади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги ўта мураккаб, қалтис ва масъулиятли даври маънавий-маърифий ишлар, мафкуравий таълим-тарбия марказида ёш авлод туриши зарурлигини, ёшларимизнинг ақл-заковатли, теран фикрли, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбияланишларига жиддий эътибор беришни, уларнинг содалик қилиб сохта оқимлар йўлига кириб пана-пастқадамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапи ва йўлига кириб кетишларига асло йўл қўйиб, бепарво қараб бўлмайди. Ўз навбатида, халқимиз тарихидаги буюк алломаларни, хусусан, маърифатли дунё бунёдкорлари Бухорийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар, Бегунийлар, Ибн Синолар, Улуғбекларни қанчалик иззат икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Бунинг учун эса таълим-тарбия тизимини мунтазам такомиллаштириб, миллий моделнинг ҳаётийлигини, унинг миллий ғоя тамойиллари билан узвий алоқадорликда ривожлантиришни таъминлай олишимиз зарур. Бу борада асосий эътибор аҳолининг турли қатлам вақлларини ички ва ташқи таҳдидлардан хабардорлик даражаларини баҳолаб бориш, миллий урф-одатларимиз ва миллий қадриятларни авайлаб асраш ҳамда ёш авлодни ажодлар намунаси асосида тарбиялаш асосида уларда мустаҳкам мафкуравий имунитет шакллантириш бугунги кун ҳақиқатидир.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. MA'NAVIYAT. Izohli lug'at 2017. 52 b
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasidagi nutqi
3. I.A.Karimov. Milliy mafkura-davlatimiz va jamiyatimiz qurilishida biz uchun ruhiy-ma'naviy kuch-quvvat manbai.– T.:, “O'zbekiston”, 2000. – 46 b.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yi 15 iyun kuni “Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimiz sofligini asrash – davr talabi” mavzusidagi anjumanda so'zlagan nutqi.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 2020
6. Sh.M.Mirziyoyev. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – T.:, “O'zbekiston”, 2-jild, 2018. 232-b.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 2020
8. I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.:, “Ma'naviyat”, 2008. – 10 b.

9. I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: “Ma'naviyat”, 2008. – 10 b.
10. Sh.M.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: “O'zbekiston”, 1-jild, 2017. 505-b.
11. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 2019
12. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 2019
13. Sh.M.Mirziyoyev. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – T.: “O'zbekiston”, 2-jild, 2018. 233-b.
14. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2017 yil 28 iyuldagi “Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida”gi PQ 3160-sonli Qarori
15. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31 dekabrda “Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini ishlab chiqish va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 1059-sonli Qarori
16. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat M.Mirziyoyevning Shanhay hamkorlik tashkilotining 2017 yil 8-9 iyun kunlari Ostonada bo'lib o'tgan Sammitida so'zlagan nutqi
17. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 2018. 6 bet
18. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 2020
19. Sh.M.Mirziyoyev. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi – T.: “O'zbekiston”, 3-tom, 2019. 394-b.

